“ТАРБИЯ” ФАНИНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Онахон Маннаповна Жабборова
Зухра Абдурахмановна Умарова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш тўғрисида фикр юритилган ва методик йўналишлар берилган.

Калит сўзлар: тарбия, фан, кластер, усул, ўқитиш, педагогик, конфликт, низо, билим, кўникма.

ELIMINATION OF PEDAGOGICAL CONFLICTS IN TEACHING THE SUBJECT "UPBRINGING" IN THE CLUSTER METHOD

Onakhon Mannapovna Jabborova
Zukhra Abdurakhmanovna Umarova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article discusses the elimination of pedagogical conflicts when teaching the subject "Upbringing" by the cluster method and provides methodological instructions.

Keywords: education, science, cluster, method, teaching, pedagogy, conflict, conflict, knowledge, skill

КИРИШ

Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитишнинг кластер усули педагогик конфлектларни бартараф этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Педагогик конфликт – таълим ва тарбия жараёнида ўзаро тушунмовчилик натижасида юзага келадиган низолар мажмуидир. Анйни пайтда, педагогик конфликт ўткинчи низо, зиддият ва ихтилофлар бўлиб, уларни бартараф этиш имкониятлари бор.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу маънода “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитиш жараёнида қуйидаги педагогик конфликтларни бартараф этиш имкониятлари мавжуд:

1. Ўқувчининг ўзлигидаги зиддият. Бошланғич синф ўқувчисининг ўзлигида баъзан инжиқлик, билим олишга қизиқмаслик, шахсий манфаатларини устун қўйиш каби педагогик жиҳатдан ҳал этиш лозим бўлган зиддиятлар учрайди. “Тарбия” фани ўқувчи ўзлигидаги зиддиятларни ўзлигини англатиш билан бартараф этади. Ўзликни англатиш – ўқувчига миллати, Ватани ва аждодларини танитиш билан амалга ошади. Мисол учун, бунинг учун ўқувчида она тилисига бўлган муҳаббат туйғусини уйғотиш кузатилган самарани беради. Шу жиҳатдан шоира Зулфия Мўминованинг “Она тилим” шеъридан қуйидаги сатрларни ёдлатиш ва маъносини тушунтириб бериш мумкин:

То Ўрхундан Энасой қадар –
Ҳоқон тилим, султон тилим айт,
Хос Ҳожибдек эшон тилим айт,
Мен учун сендан улуғ йўқ.
Она тилим-бузруквор шоҳим.
Сен бордирсан, демак, ўзбек бор,
Она тилим – олампаноҳим.

Бундай шеърлар ўқувчига ўзлигини, яъни миллати, Ватани ва аждодлари кимлигини танитади. Натижада ўқувчи шахсида кечаётган турли зиддиятлар табиий равишда йўқолиб боради.

2. Ўқувчининг ўзгалар билан зиддияти. Бошланғич синф ўқувчиси жисмоний, маънавий ва руҳий ўсишда бўлгани учун баъзида унинг ўзгалар билан зиддиятда бўлиши юзага келади. Бундай зиддиятлар қўпол муносабат, ҳурматсизлик, ҳамиша биринчи бўлишга интилиш каби кўринишларда намоён бўлади. “Тарбия” фани бундай педагогик конфлектларни изчил ҳал қилиб бориш имкониятларига эга. Ўзбек тарбия тажрибасида бу борада бир неча йўллар баён қилинган. Мисол учун, Иброҳим Қассар (IX аср) дейди: “Инсоннинг бу дунёда икки нарса Қалбидаги қўзғалишларни йўқ қилади:

1) тенгдошлар билан суҳбат;
2) устозларга хизмат”

Демак, “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчисида ўзгалар билан пайдо бўладиган зиддиятларни Суҳбат ва Ҳизматга ўргатиш орқали бартараф этиш мумкин. Унга кўра, Қалбида ўзгаларга нисбатан зиддият пайдо бўлган бошланғич синф ўқувчиси ўртоқлари (тенгдошлари) билан кўпроқ суҳбатлашишга даъват қилинади ва аста-секин Устозлари ҳизматида

бўлишга кўниктирилади. Шу жиҳатдан суҳбат ва ҳизмат кўникмасига эга бўлиш ўқувчиларни ўзгалар билан зиддиятга киришиш туйғусини бартараф этади.

3) Ўқувчининг Устоз билан зиддияти. Бошланғич синф ўқувчисида баъзида турли омиллар таъсирида Устозининг сўзига кирмаслик, унинг айтганини қилмаслик, унга ёлғон гапириш каби зиддиятлар юзага келади. Бундай зиддиятларга кўп ҳолларда тенгдошлар ёки катта ёшдагиларнинг Устоз тўғрисидаги салбий сўзи ёки фикри сабаб бўлади. Шу сабабли Устоз (ўқитувчи ёки мураббий) бундай зиддиятларни барвақт англиши, сабабларини топиши керак. Азиз мутафаккирлардан бири Абу Жаъфар Суманий (IX аср) дейди: “Сени:

1) дўст – гуноҳдан қўрқитади;
2) ҳамроҳ – айбингни кўрсатади;
3) биродар – ҳақиқатга элтади”


Шу жиҳатдан Устоз ўқувчида ўзига нисбатан пайдо бўлган зиддиятларни бартараф этиб бориши учун шогирд Дўст, Ҳамроҳ ва Биродар сифатида қабул қилиши мақсадга мувофиқдир.

Эътибор берилса, миллий педагогикамиз тажрибасида тарбия жараёни тарбияланувчиларда юзага келадиган педагогик конфликтларни ўз вақтида бартараф этиб боришга асосланади. Бунинг учун Устоз ва ўқувчининг ҳар томонлама фаоллигига таянилади. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларига “Тарбия” фанини ўқитишда миллий педагогикамизнинг тажрибаларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

НАТИЖАЛАР

Зеро, “Тарбия” фанини кластер усули асосида бошланғич таълимда ўқитиш жараёнида педагогик конфликтларни бартараф этиши тизими қуйидагича идрок этилади (6-чизма).

Бундай ёндашув бошланғич синф ўқувчиларига “Тарбия” фанини ўқитишда педагогик конфликтларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Бунинг учун ўқитувчи ҳамиша янгиликка интилувчан, тарбияланувчини ҳамроҳ сифатида қабул қилувчи ва уни йўналтирувчи вазифасини бажариши керак.



МУҲОКАМА

“Тарбия” фани мамлакатимиз таълим тизимида янги бўлиб, уни ўқитиш асослари, методлари ва технологиялари ишлаб чиқилиши керак. Шу сабабли мазкур фан ўқитувчиларининг кўникмаларини кучайтириб бориш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини унга тайёрлаш ва муаммолар бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тақозо этилади. Бу борадаги тажрибалар мувофиқлаштириб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик конфликтлар назарияси ва амалиётида ўқувчиларнинг қуйидаги хусусиятлари эътиборга олинади:

- ўқувчи онгида бўлаётган ўзгаришлар;
- ўқувчининг аҳлоқий тушунчасида бўлаётган янгиликлар;
- ўқувчини қамраб олган муҳит;
- ўқувчининг ўзгаларга муносабати;
- ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқиши.

Эътибор берилса, мазкур хусусиятлар бошланғич синф ўқувчиларида яққол сезилиб туради. Шу сабабли уларни таълим ва тарбия муҳити билан таъминлаш муҳим масаладир. Бунинг учун оилада олинаётган тарбия муҳитини кузатиш, мактаб таълими муҳитини ўрганиб бориш ва ўқувчи шахсидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб бориш тақозо этилади. Педагогик конфликтларни олдини олишда ўқитувчи ва мураббийларнинг фаоллиги бирламчи ҳисобланади. Шу сабабли тарбия жараёнида ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми устувор бўлиб, унга кўра, ота-оналар ва мактаб жамоаси уларнинг хулосаларига асосан таълим жараёнида иштирок этади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик конфликтларни бартараф этиш бўйича тайёрлаш, уларда назарий билим ва касбий кўнима хосил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун педагогик конфликтлар бўйича илмий тадқиқотлардан бўлиш, индивидуал кузатиш ва муаммоларини ҳал қилиш усуллари билан бўлажак мутахассислар қуроллантирилиши керак.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли Қарори. // www. Ziyonet.uz. 2020 йил 7 июль.
2. Мухамедов Г., Ходжамқулов У. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф.-Чирчиқ., 2019
3. Алишер Навоий. Насойим ул – муҳаббат. // Тўла асарлар тўплами. 10-ТОМ. - Т.: "Фан". 2001.87-500-бетлар.
4. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.

5. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
6. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
9. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
10. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
11. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
12. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Хужамқулов Умид Негматович, Ботирова Шахло исомиддиновна, Шерматова Умида Сафаевна. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
13. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Куттибекова Гулжан Тулепбаевна. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.